




**TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI**

2 - TOM, 1 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

УДК: 616.314-006.3-053.2:611.018.1

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ЯШОВЧИ БОЛАЛАРДА ЭПУЛИСНИНГ МОРФОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ.**



Каримов Расулбек Хасанович.

Email: r.karimov.86@mail.ru

[ORCID-0009-0009-0325-2709](https://orcid.org/0009-0009-0325-2709)

Урганч давлат тиббиёт институти “Патоморфология” кафедраси доценти.

Курбанов Дилшод Фархадович

Email: dilshodbek7721111@gmail.com

[ORCID-0009-0006-9642-8475](https://orcid.org/0009-0006-9642-8475)

**Урганч давлат тиббиёт институти “Терапевтик ва ортопедик стоматология” кафедраси
доценти.**

Бобожанов Йулдошбой Бахтияр ўғли.

Email: yuldoshbovbobojonov23@gmail.com

[ORCID-0009-0004-8029-5677](https://orcid.org/0009-0004-8029-5677)

**Урганч давлат тиббиёт институти “Жаррохлик ва болалар стоматологияси” кафедраси
ассистенти.**

Аннотация: Эпулис — оғиз бўшлиғининг юмшоқ тўқималарида, асосан, милк соҳасида ривожланадиган шишсимон хавфсиз ўсма бўлиб, болаларда кам учрайдиган, аммо клиник аҳамиятга эга патологиялардан бири ҳисобланади. Унинг келиб чиқишида маҳаллий механик таъсирлар, тиш чиқиши билан боғлиқ тўқима ўзгаришлари, ирсий мойиллик ва яллиғланиш жараёнлари муҳим роль ўйнайди.

Ушбу олиб борилган тадқиқотда, Хоразм вилоятида яшовчи болаларда қайд этилган эпулис ҳолатларининг морфологик тузилиши, гистологик турлари ва тўқимавий ўзгаришлари ўрганилди. Намуналарни гистологик ва микроскопик таҳлил қилиш натижасида эпулиснинг асосан грануляцион, фиброз ва васкуляр турлари аниқланди. Улардаги яллиғланиш даражаси, қон томирлар сони ва фиброз тўқима элементлари ёшга ва клиник кечиш хусусиятларига боғлиқ равишда фарқ қилар экан.

Тадқиқот натижаларида эпулиснинг болаларда ҳам долзарб муаммо эканлигини, уни эрта аниқлаш ва морфологик таҳлил қилиш орқали самарали даволаш усуллари танлаш имконини беришига эътибор қаратади.

Калит сўзлари: Эпулис, морфология, гистология, фиброз тўқима, хавфсиз ўсма.

Мавзунинг долзарблиги: Сўнгги йилларда болалар орасида оғиз бўшлиғи касалликлари, айниқса, юмшоқ тўқималар неоплазмлари сонининг ортиб бораётгани соғлиқни сақлаш тизимида долзарб муаммолардан бирига айланган. Шулардан бири — эпулис бўлиб, у болаларда кам учрайдиган, аммо клиник ва морфологик жиҳатдан мураккаб ўсма тусидаги шиш ҳисобланади. Айниқса, Хоразм вилоятининг экологик ва ижтимоий-иқтисодий омилиларга



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI
2 - TOM, 1 - SON. 2026
14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

бой ҳудудларида яшовчи болаларда оғиз бўшлиғи тўқималарининг патологик ўзгаришлари юқори хавф гуруҳини ташкил қилади.

Эпулиснинг фиброз, грануляцияцион, ангиоматоз каби морфологик турлари ҳар хил клиник кечиш ва даволаш ёндашувларини талаб қилади. Аммо мавжуд илмий манбаларда болалар орасида эпулиснинг тарқалиши, уларнинг морфологик таснифи ва клиник аҳамияти етарли даражада ўрганилмаган. Айниқса, ҳистоморфологик ва иммуногистокимёвий таҳлиллар орқали эпулиснинг келиб чиқиши ва ривожланиш механизмларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотларга эҳтиёж катта.


Шунингдек, болаларда юзага келадиган эпулислар эстетик ва функционал бузилишларга олиб келиб, психологик ҳолатга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Бу эса касалликни эрта аниқлаш, тўғри ташхислаш ва даволашни долзарб масалага айлантиради.

Эпулис — милк соҳасида жойлашган, носпещифик, сурункали ўсувчи, яхши хулқли шишсимон тузилиш бўлиб, кўп ҳолатларда тўқималарнинг механик, яллиғланиш ёки гормонал таъсирларига жавоб тариқасида юзага келади. Болаларда бу шиш кам учраса-да, тўғри ташхис ва морфологик баҳолаш мураккаб бўлиши мумкин. Хоразм вилоятидаги ижтимоий ва экологик шароитларни ҳисобга олган ҳолда, болалардаги тўқимавий касалликларни ўрганиш, уларнинг клиник ва морфологик хусусиятларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ишнинг мақсади: ишнинг мақсади сифатида Хоразм вилоятида яшовчи болаларда эпулиснинг учраши ҳолатларини аниқлаш, эпулис тўқимасининг гистологик тузилишини ўрганиш, эпулиснинг морфологик турларга ажратиш ва уларни ёш ва клиник кечиши билан боғлиқлигини ўрганиш.

Олинган натижалар: олиб борилган илмий изланишлар доирасида Хоразм вилоятида яшовчи 7-15 ёш оралиғидаги болалардан олинган 15 та эпулис тўқимасининг макроскопик ва микроскопик наъмуналари ўрганилди. Болаларнинг жинси бўйича ўрганилганда 8 нафари ўғил бола, 7 нафари қиз бола жинсига мансублиги аниқланди 1-Жадвалга қаранг.

1-Жадвал. 7-15 ёш оралиғидаги болаларнинг жинс бўйича тақсимланиши.




Болаларнинг шаҳар ва туманлар кесимида ўрганиб қўрилганда, Урганч шаҳрида 3 нафар, Урганч туманида 2 нафар, Янгибозор туманида 1 нафар, Гурлан туманида 2 нафар, Янгиариқ туманида 1 нафар, Хива шаҳрида 2 нафар, Хива туманида 1 нафар, Хазарасп



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI
2 - TOM, 1 - SON. 2026
14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

туманида 1 нафар, Боғот туманида 2 нафар, Шовот туманида 1 нафар, Хонка туманида 1 нафар болалар касаллик билан учраган 2-Жадвалга қаранг.



Барча мурожаат қилган болалар стоматологик кўриқдан ўтказилганда. Оғиз бўшлиғи тишлар орасида эпюлиснинг кўриниши кузатилди 1 ва 2 расмларга қаранг.




1-расм. Бемор пастки жағ чап томондан 3 ва 4 тиш оралиғида сарғимтир рангли, юмшоқ консистенцияла 0.8x0.7см катталиқдаги эпюлис тўқимаси.



2-расм. Бемор пастки жағ ўнг томондан 1 ва 2 тиш оралиғида пушти қизил рангдаги юмшоқ қонсистенцияли 1.0x0.8см катталиқдаги эпюлис тўқимаси.

Ўрганишлар давомида эпюлисларнинг ичида фиброз эпюлис 46%, грануляцион эпюлис 33%, ангиоматоз эпюлис 21% ташкил қилди 3-Жавдалга қаранг.

3-Жавдал. Эпюлиснинг турлари.



Тадқиқот натижаларига кўра, фиброз эпулис билан оғриган беморларнинг оғиз бўшлиғидаги эпулис тўқимаси зич консистенцияли, кам сонли қон томирлари ва яллиғланиш белгилари билан кузатилди 3-Расмга қаранг. Беморлардаги грануляцион эпулисида эпулис тўқимаси зич консистенциялар, пушти қизил рангдаги, яллиғланиш белгилари билан кузатилди 4-Расмга қаранг. Эпулис касаллигида ангиоматоз турида констстенцияси зич, тўқ қизил рангда эканлиги аниқданди 5-Расмга қаранг.



3-Расм. Фиброз шаклдаги эпулис.
 Зич консистенцияли, кўп сонли яллиғланиш белгилари билан.




4-Расм. Грануляцион эпулис.
 Юмшоқ консистенцияли, тўқ қизғиш рангда.



5-Расм. Ангиоматоз эпюлис. Зич консистенцияли, пушти рангда.

Умуман олганда фиброз шаклдаги эпюлис ёш болалар оғиз бўшлиғида, асосан милк сохасида, яъни гингива сохасида жойлашган, сурункали ирритантлар таъсирида шаклланган, эпителиал қопламли фиброз тўқимадан иборат бўлган яхши сифатли ўсам ҳисобланади ва бу турдаги эпюлислар ўсишда сурункали, секин ва қаттиқ тузилмали бўлади.

Макроскопик кўринишда, жигар рангли, қизғиш ва пушти рангда бўлиб, консистенцияси зич, баъзи ҳолларда қаттиқ бўлади. Юза тузилиши баъзида яллиғланган бўлади. Эпюлис одатда асосидаги тўқималарга боғланган бўлиб, одатда оғриксиз бўлади.




6-Расм. Фиброз шаклдаги эпюлиснинг микроскопик кўриниши. Креатинлашган кўп қаватли ясси эпителий билан қопланган. Эпителийда гиперплазия белгилари кузатилади. Фибробластлар сони кам. Лимфоцитлар ва кам сонли плазма хужайралари кузатилади. Бўёқ Г-Э. 40x40.

Грануляцион эпюлис оғиз бўшлиғидаги милкнинг грануляцион тўқима асосида ривожланган, яллиғланиш хусусиятига эга бўлиб, тез ўсувчи, кўпинча жароҳат ва сурункали




пайдо бўладиган хавсиз ўсам ҳисобланади. Касаллик одатда кўп ҳолларда оғиз бўшлиғи гигиенасининг етишмасилиги, тишлаш травмалари, протезлар таъсири сабабли пайдо бўлади. Ташқи томондан кўрилганда, қизил, баъзан тўқ қизил рангда бўлиб, қонсистенцияси юмшоқ, шакли думалоқ, юзаси кўпинча экссудат билан қопланган бўлади. Гистологик жиҳатдан текшириб кўрилганда, креатинлашмаган кўп қаватли ясси эпителий билан қопланган, эпителийда акантоз ва гиперплазия кузатилади. Баъзи ҳолларда эрозиялар ва экссудатли жараёнлар аниқланади.



7-Расм. Грануляцион шаклдаги эпулиснинг микроскопик кўриниши. Юза қаватини қопловчи эпителий акантози яллиғланиш инфилтарти билан. Тўқима томирлари кескин тўлақонли шаклда. Бўёқ Г-Э. 40x40.

Ангиоматоз эпулис бу милк (гингива) тўқимасида ривожланадиган, юқори васкуляриланган (қон томирларга бой), яхши сифатли, шишсимон тузилма бўлиб, кўп ҳолларда яллиғланиш, механик таъсир ёки гормонал ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда юзага келади. У айниқса, ҳомиладор аёлларда ва болаларда тез-тез кузатилади. Бу яхши сифатли ўсма гистологик жиҳатдан **гемангиома** ёки **пирогени гранулёма**га ўхшаш бўлади.

Макроскопик кўрилганда, доимий тишлар яқинида жойлашган, ўлчами 0.5-2.0 см катталиқда. Юзаси юмшоқ, баъзан эрозияланган шаклда, фиброз компонентга эга бўлган қаттиқ қонсистенцияли бўлади. Гистологик препаратда кўп қаватли ясси эпителий билан қопланган, гиперплазия ва акантоз аниқланади. Баъзи ҳолларда эрозия ва экссудат билан қопланган сохалар учрайди.



8-Расм. Ангиоматоз шаклдаги эпюлиснинг микроскопик кўриниши. Яллиғланиш инфильтрацияси, плазмтик ва лимфоцит хужайралар кузатилади. Бўёқ Г-Э. 40x40.

Хулосалар: хулоса ўрнида шунни айтиш мумкинки, Тадқиқот натижалари Хоразм вилоятида яшовчи болалар орасида эпюлис касаллигининг қайд этилиши билан боғлиқ ҳолатлар оз бўлса-да, унинг морфологик хилма-хиллиги ва патогенезини ўрганиш муҳим эканлигини кўрсатади. Эпюлиснинг фиброз, грануляцион ва ангиоматоз шакллари турлича гистологик ва клиник хусусиятларга эга бўлиб, ҳар бир тури алоҳида ёндашувни талаб қилади.

Морфологик таҳлиллар шунни кўрсатдики, фиброз эпюлисларда склерозлашган толалар устунлик қилса, грануляцион эпюлисларда фаол васкуляризация ва грануляция тўқимаси ҳукмрон бўлади. Ангиоматоз шаклларда эса кўп сонли кенгайган қон томирлари ва эндотелиал гиперплазия кузатилади.

Бундай маълумотлар асосида болалардаги эпюлисларнинг морфогенези ва тарқалиш хусусиятларини ўрганиш, хусусан, Хоразм вилоятидаги экологик ва ижтимоий омилларни ҳисобга олган ҳолда, уларни ерта аниқлаш, саралаб ташхислаш ва мақсадли даволаш чораларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тадқиқот натижалари келгусида болалар стоматологияси ва патологик гистология соҳасида амалий тавсиялар ишлаб чиқиш учун замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Quranbaevich, K. A., Khasanovich, K. R., Tulibaevna, R. D., & Bakhtiyor
2. o'g'li, B. Y. (2024, January). PREVENTION OF PERIODONTITIS DISEASE IN MIDDLE-AGED WOMEN. In *INTERNATIONAL CONFERENCE ON MEDICINE, SCIENCE, AND EDUCATION* (Vol. 1, No. 1, pp. 271-274).
3. Quranbaevich, K. A., Khasanovich, K. R., & Tulibaevna, R. D. (2024,
4. February). CARIES DISEASE IN YOUNG CHILDREN. In *International conference on multidisciplinary science* (Vol. 2, No. 2, pp. 35-37).
5. Khasanovich, K. R., Davlatbaevich, R. M., & Anvarbekovich, R. A. (2024,



**TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI**

2 - TOM, 1 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

6. August). MORPHOLOGY AND HISTOCHEMICAL CHARACTERISTICS OF BRAIN TISSUE IN ACUTE INTOXICATION PSYCHOSIS. In *INTERNATIONAL CONFERENCE ON MEDICINE, SCIENCE, AND EDUCATION* (Vol. 1, No. 7, pp. 49-54).
7. Khasanovich, K. R., Davlatbaevich, R. M., & Anvarbekovich, R. A. (2024, August). MORPHOLOGY OF BRAIN TISSUE IN INTOXICATION PSYCHOSIS. In *INTERNATIONAL CONFERENCE ON INTERDISCIPLINARY SCIENCE* (Vol. 1, No. 8, pp. 34-40).
9. Yuldashev, B. S., Kuruyazov, A. Q., Khodzhimuratov, O., & Karimov, R.
10. X. (2023). OCCURRENCE OF CLINICAL PALATE AND LIP DEFECT WITH FACIAL ANOMALIES IN KHORAZM REGION. *International Bulletin of Medical Sciences and Clinical Research*, 3(11), 80-85.
11. Yuldashev, B. S., Kuruyazov, A. Q., Khodzhimuratov, O., & Karimov, R.
12. X. (2023). A CASE OF LIP DEFECT WITH FACIAL ANOMALIES IN KHORAZM REGION. *American Journal of Pediatric Medicine and Health Sciences* (2993-2149), 1(9), 547-552.
13. Kuryazov, A., Palvanov, M., Radjapov, A., & Karimov, R. (2024, August).
14. MORPHOLOGY OF THE HEART IN PATIENTS WITH TUBERCULOSIS. In *INTERNATIONAL SCIENTIFIC INNOVATION RESEARCH CONFERENCE* (Vol. 1, No. 6, pp. 3-8).

